

А. Набиев

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

(ЎЛКАНИ УРГАНИШНИНГ АСОСИЙ
МАНБАЛАРИ)

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Олий
ва ўрта педагогика ўқув юрталари талабалари ва ўрта
мактаб тарих ўқитувчилари учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этган*

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
ИККИНЧИ НАШРИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

*Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг
академиги тарих фанлари доктори, профессор Б. А. Аҳмедов*

1805080000 — 174

H ————— 84 — 91

(04) 353 — 96

ISBN 5-645-00972-X

© «Ўқитувчи» нашриёти,
1979.

© «Ўқитувчи» нашриёти,
1996. Тўлдириш ва ту-
затишлар билан.

Кириш

Бугунги ўз-ўзини англаб, мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораётган шароитда она юртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч бўлмаса керак.

Ушбу китоб айнан шу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда яратилган. Ота-боболаримиз, аجدодларимизнинг ақл-заковати, олтин қўли ила IX – XII асрлардаёқ киши ақли бовар қила олмайдиган даражада нафис ва нозик қилиб ишланган нақшлар қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро ва Хива деворларида ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Уша давр услуби билан юксак маҳорат кўрсатиб қурилган муҳташам бинолар ва бу бинолардаги Шарқ услубига хос ўймакорлик нақшлари ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Бундай ўймакорлик нақшлари билан бир қаторда ислимий услубда ишланган нақшлар, яъни гул ва новдаларнинг мураккаб услубдаги нақшлари ва ҳозирги кунгача яхши сақланиб келаётган тиллада қорилиб ўйилган бошқа безаклар аجدодларимиз юксак санъатининг тимсоли сифатида бугун ҳам ҳаммани лол қолдириб турибди. Қадимги ва ўрта асрлар меъморчилик обидаларини сақлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш ҳозирги замон ёш авлодни, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқларнинг байналмилал дўстлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ўтмиш тарихий ва моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилишнинг ролини ошириш муаммоларини ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Қўлланмада ўзбек халқининг тарихий тараққиёти, маънавий, моддий, тарихий манбаларини «Ўлкашуносликда археологиянинг роли», «Ўлкашуносликда этнографиянинг аҳамияти», «Топонимика — ўлка тарихини ўрганишнинг асосий манбаи», «Ўлкашуносликни ўрганишда архившуносликнинг ўрни» ва «Ўлкашуносликни ўрганишда музей экспонатлари» деб номланган асосий беш қисм орқали ўрганишнинг усуллари берилган.

«Тарихий ўлкашунослик» ўқув-қўлланмаси ҳозирги кунда ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон халқларининг қадимий тарихини, унинг жаҳон тарихий тараққиётига қўшган катта ҳиссасини, ўз бағридан Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Али Қушчи сингари машҳур математиклар, Аҳмад Фарғоний ва Улуғбекдек фалакиёт билимдонлари, Ибн Сино каби табиблар, Наршахий ва Абулғозихон сингари тарихчилар, ал-Форобийдек файласуфлар, Замахшарий каби лингвистларни етиштириб, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини далилий ашёлар воситаси билан исботлаб беради.

Мазкур қўлланма яна шуниси билан аҳамиятлики, унда тарихий, маънавий ёдгорликлар, археологик, антропологик, этнографик, этник, топонимик материаллар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг тарихий, маданий ва меъморчилик ёдгорликлари жаҳон маданий меросининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган гоят катта улушдир. Мана шундай муҳим, нодир, қимматли аҳамиятга молик бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳлил қиладиган фан ҳам «Тарихий ўлкашунослик»дир.

Мазкур ўқув қўлланмаси асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Тарихий ёдгорликлар. Бунга инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиш босқичлари, инқилобий ҳаракат бўлиб ўтган жойлар, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеа жойлари, ўтмишдан қолган қўлёзма асарлари ва шу кабилар киради.

Археология ёдгорликлари. Бунга кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истеҳкомлар, корхоналар, каналлар, шунингдек йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлари, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар ва бошқалар киради.

Шаҳар қурилиши ва меъморчилик ёдгорликлари. Буларга меъморчилик ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг қолдиқлари: фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотлари киради.

Санъат ёдгорликлари. Бунга монументал, тасвирий,

амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари киради.

Ёдгорлик ҳужжатлари. Бунга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлари ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий қўлёзмалар ҳамда архив материаллари, фольклор ва мусиқа ёзувлари, нодир босма нашрлар киради.

Этнографик ва топонимик материаллар. Бунга халқ урф-одатлари, моддий ва маънавий маданият, халқларнинг эртак, фольклор, мифологияси ҳамда жой номларининг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганиш киради.

Булар билан бир қаторда тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки бошқа хил маданий қимматга эга бўлган объектлар ҳамда музейда сақланадиган экспонатлар ва улардан ўқув, таълим-тарбия ишларида фойдаланиш услублари, намунавий дарс режалари ўз аксини топган.

Юқоридаги манбаларни ўрганиш ва умумлаштириш илмий ўлкашунослик тадқиқотчилари, жамоат ўлкашунослиги ва ҳаваскорлари учун ҳам, у ёки бу воқеаларга тавсиф бериш, турли тарихий тушунчаларга аниқлик киритиш учун ҳам кўп зарур маълумот бўлиб хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари ва мактабда ўқитилаётган тарихий ўлкашунослик фани маълум икки мақсадни: биринчидан, ўз ўлкасининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти тарихини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш йўли билан тўпланган археологик, этнографик, топонимик, нодир қўлёзмалар, архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишни; иккинчидан, тўпланган ўлка материалларидан ўқув-тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кўзда тутади.

Ўқув қўлланмасини ёзишда мумкин қадар маҳаллий материаллардан, Ўзбекистон Республикасига доир ўлкашунослик ҳужжатларидан, етук тарихчи олимларнинг асарларидан, архив материалларидан фойдаланиш масалаларини ёритишда Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви ходимлари томонидан тайёрланган картотека ва кўрсаткичлардан, музей экспонатларини ёритишда эса Ўзбекистон тарихи музейи материалларидан фойдаланилди.